

339.138(043.3)

К - 96

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қулёзма хуқуқида
УДК:339.13+637.52(575.1)

КУТБИТДИНОВА МОҲИГУЛ ИНОЯТОВНА

ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисод фанлари иомзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2012

Башар

339.138(043.3)

К-96

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Иватов Ириебек

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Икрамов Мурат Акрамович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Юсупов Махамадамин


Етакчи ташкилот: Ўзбекистон бозор ислоҳотлари
илемий - тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси “13” апрель соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 ракамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.


Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ қўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «12» март да тарқатилди



Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

 - А.Н. Самадов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Иктисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чукурлаштириш шароитида истеъмол бозорини ривожлантириш, аҳодининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тұла-түкис қондириши чора-тадбирларига эътибор қаратиш ғоят мухим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда иктисодиётнинг реал секторини аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариедек, «...иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-кувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рагбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди»¹. Иктисодиёт соҳалари учун бу жарабённинг нечоғлиқ зарурлигини эътиборга олган ҳолда, аҳоли сихат-саломатлиги учун ўта мухим бўлган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Айниқса, бозор ва аҳолининг тўйинганлик даражаси, сифати, хизмат маданияти, товар етказиб берувчилар билан иктисодий алоқалари ва бошқа фаолият жабҳаларини ўрганиши шу кун талабларидан келиб чикади ва бунинг асосий сабаби, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини илмий ва амалий нуктаи назардан етарли даражада ўрганилмаганилигиdir.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини такомиллаштириш жуда долзарб масала бўлиб, шаҳар ва кишлоп ахолисининг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга йўналтирилган ва ижтимоий-иктисодий аҳамиятта эга бўлган илмий-амалий восита хисобланади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ривожланиши ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини аниклаб бериш мухим вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозор конъюнктураси яхши бўлиши ва бунда маркетинг тизимидан самарали фойдаланиши ва ривожлантиришнинг назарий ва амалий жарабёнларини ўрганишини тақозо этади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг яқин ва узок келажакдаги ривожланиши, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиша зарурий савдо жарабёнларида маркетинг тизимини қўллаш, ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда сотишини тъминлаш, юкори даражада ташкил этилган сервис, замонавий савдо маданиятини қарор топтириш хисобига амалга оширилиши керак. Шунинг учун ҳам, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорини тадқиқ этиш, унда маркетинг тизими ривожланиши билан боғлик муаммолар ҳал қилиниши асосида аҳолининг мазкур маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, турмуш даражасини янада юксалтириш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ваганимиз тараккӣети ва ҳалкимиз фаровонлигини янада юксалтиришлар. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 37.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Товарлар ва хизматлар маркетингни муаммоларига хорижлик олимлардан М.Дж. Бейкер, Ф.Котлер, Р.Дж.Эванс, Б.Берман, Э.Мате, П.Чевертон, П.Друккер, М.Линдстром ва бошқаларнинг,² Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари етакчи иқтисодчи олимларидан Г.В.Астратова, Г.А.Багиев, И.К.Белявский, Т.С.Бронникова, Е.П.Голубков, Б.Д.Секерин, В.С.Шкодин, С.Е.Чернов кабиларнинг³ илмий ишларида маркетинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Ўзбекистонда маркетинг муаммоларига багишланган илмий изланишлар Г.Ахунова, А.Бекмуродов, М.Болтабоев, Ж.Жалолов, И.Иватов, М.Қосимова, Д.Мухитдинов, А.Солиев, Ш.Шарифходжаев, Ш.Эргашходжаева, Л.Абдухалирова ва бошқалар⁴ томонидан тадқиқ этилган. Бирок, уларнинг илмий изланишларида айрим озиқ-овқат товарлари, хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимиning шаклланиши ва ривожланиши етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса, ушибу мавзунинг танланишини тақозо этди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Маркетинг» кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасида ўз аксини топган.

Диссертаянинг мақсади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини ривожлантиришнинг назарий ва услубий жиҳатларини асослаш ҳамда савдо самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Кўйилган мақсадга мувофик тадқиқотнинг куйидаги вазифалари белгилаб олинган:

² Котлер Ф. Основы маркетинга. - СПб.: Коруна, 2000. - 700 с.; Линдстром М. Чувство бренда: воздействие на пять органов чувств для создания выдающихся брендов. - М.: Эксмо, 2008. - 271 с.; М.Дж. Бейкер. Маркетинг - философия или функция? - В кн.: Теория маркетинга. - СПб.: Питер, 2002. - 464 с.; Мате Э. Последрождение обслуживания. - М.: АО Издательская группа «Прогресс», 1993. - 160 с.; Чевертон П. Теория практики современного маркетинга. - М.: ФАНО - ПРЕСС, 2002. - 608 с.; Эванс Дж.Р., Берман Б. Маркетинг. - М.: Экономика, 1990. - 203 с.; Друккер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. - М.: 1992. - 298 с.

³ Астратова Г.В. Маркетинг продовольственного рынка. - Йицринск: ПО «Ильтэ», 1996. - 252 с.; Багиев Г.А., Тарасевич В.М., Ани Х. Маркетинг. - М.: Экономика, 2001 - 718 с.; Бронникова Т.С. Маркетинг: теория, методика, практика. - М.: КиноРус, 2008. - 207 с.; Голубков Е.П., Голубкова Е.Н., Секерин Б.Д. Маркетинг: выбор лучшего решения. - М.: Экономика, 1993. - 222 с.; Шкодин В.С. Организация торговли плодами и овощами. - М.: Экономика, 1979. - 166 с.; Чернов С.Е. Коммуникации и реклама в аграрном маркетинге. - М.: Рос НИИ по социальным кадровым проблемам АПК, 1997. - 82 с.

⁴ Ахунова Г.Н. Тавлим тизимида маркетинг ва уни такомиллаштириш ўйларни. Икт.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. - Т., 2004; Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. док. экон. наук. - Т., 1993; Жалолов Ж. Маркетинг. - Т.: ТДИУ, 1999. - 120 б.; Иватов И. Ўзбекистон деҳон бозоридаги маркетинг фаолияти ривожланишининг истиқболлари. И.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. - Т., 2003; Мухитдинов Д.М. и др. Маркетинг: рыночная концепция управления. - Т., 1997. - 134 с.; Болтабоев М.Р. Тұжықмалық саоштауда маркетинг стратегиясы. Монография - Т.: Фан, 2004; Солиев А. Маркетинг. - Т.: «Молия ва иқтисод». 2009.- 395 б.; Шарифходжаев Ш. Механизм формирования и регулирования регионального потребительского рынка // Автореф. дисс. док. экон. наук - Т.: Среднеазиатский ж.д., 1994. - 48 с.; Юсупов М., Қосимова М. С., Эргашходжаева Ш. Истемъол товарлари ва хизматлари маркетинги асослари. - Т.: ТДИУ, 1995. - 78 б. Абдухалирова Л.Т. Гўшт ва сут маҳсулоти маркетинг стратегияси. Икт. ф. Ном. илм. дар олиш учун дисс. - Т., 2005.

- маркетингнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганган ҳолда, маркетинг тизимининг замонавий йўналишини аниқлаш;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг ижтимоий-иктисодий моҳияти, унинг мамлакат иктиносидиётидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб бериш;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, ундан фойдаланини механизмини ишлаб чиқиш;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида ракобат муҳитини шаклланиш механизмини ўрганиш ва улардан фойдаланиши йўлларини кўрсатиб бериш;
- ташкилий ва иктиносидий жиҳатдан гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг ривожланиши хусусиятлари ва тамойилларини кўрсатиб бериш;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида талаб ва таклифнинг намоён бўлиши, нарх-навонинг шаклланishi механизmlарини таҳдил қилиш;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида савдо-сотик муаммоларини ўрганиш ва улардаги ўзгаришларни таҳдил қилиш;
- дехқон бозорида гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдосини ривожлантириш истиқболлари ва унда маркетинг тизимини такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти бўлиб, Тошкент шаҳридаги гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари, хусусан, дехқон бозорлари хисобланади. Тадқиқот предмети - гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини ривожлантириш жараёнларини ўрганиш натижасида юзага келадиган иктиносидий муносабатлар хисобланади.

Тадқиқот усувлари. Диссертация ишида тизимли таҳлил, иктиносидий статистик гурухлаш, таққослаш, сегментлаш, рақобатдаги устунлик даражасини аниқлаш, бапоратлаш ва бошқа усувлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг ташкилий ва иктиносидий жиҳатдан ривожланиши хусусиятлари ва тамойилларини кўрсатиб бериш, хизмат маданияти, товар етказиб берувчилар билан иктиносидий алоқалар ва бошқа фаолият жабхаларини кўрсатиб бериш, дехқон бозорида маркетинг тизимининг сотовчилар ва истеъмолчилар учун талаб даражасида бўлиши ва бу ерда маҳсулотлар савдосини ривожлантириш мақсадида маркетинг тизими истиқболларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб бериш.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- маркетингнинг назарий асослари ва унда маркетинг тизимининг моҳияти;
- дехқон бозорининг ижтимоий-иктиносидий ривожланищдаги ўрни ва аҳамияти, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимининг мазмуни, тавсифлари ва ундан фойдаланиш усувлари;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида талаб ва таклиф нисбатлари асосида нарх-наво шаклланишининг услугий асослари;

- маркетинг тизими асосида дехқон бозори шохобчаларини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш манбалари, дехқон бозорлари худудларида юкори даражадаги сервисни йўлга кўйиш усуллари.

Ишнинг илмий янгилиги. Истеъмол бозорида маркетинг тизимини қўллашнинг назарий ва услубий жиҳатлари очиб берилган ва уни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, бозор муносабатлари карор топили шароитида маркетинг тизимидан максадли фойдаланиш асосида юкори сервисга асосланган савдо маданиятини шакллантириш, уни ривожлантириш бўйича таклифлар берилган. Диссертациянинг илмий янгиликларини тавсифлайдиган муҳим натижаларга қўйидагилар киради:

- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетингни бошқариши тизимини қўллаштириш ва бунда сервис хизматини юқори савияга кўтариш ҳисобига савдо ривожжини рағбатлантиришнинг илмий-услубий жиҳатлари умумлаштирилган;

- дехқон бозорида гўшт ва гўшт маҳсулотларини сотиш ҳамда истеъмол таркиби баҳолангандан ва истеъмолчилар сегментлари талабларидан келиб чиқиб, савдони ташкил қилиш тамоийллари асосланган;

- дехқон бозорларида гўшт ва гўшт маҳсулотларининг реал истеъмол ҳажмининг шаклланиш омиллари аникланган, сотувчи ва истеъмолчи манбаатини таъмин этишга йўналтирилган маркетинг тизимидан фойдаланишининг асосий йўналишлари таклиф қилинган;

- гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида таклиф ҳисобига рақобатни ривожлантириш йўллари ҳамда ишлаб чиқарувчи ва савдо ҳамкорлигини маркетинг тамоийллари асосида бошқариш жараёнлари кўрсатиб берилган;

- ахолининг гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишнинг физиологик меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, гўшт бозори ҳажмини аниклаш ва уни истиқболда ўзгаришини прогноз қилиш услуги таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда асосланган хулоса ва таклифлар гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини амалда кўллаш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида дехқон бозорида маркетинг тизими ва ривожланишини замон талаблари асосида тапкил этиши ва самарали бошқариш йўлларини аниқлаш имконини беради. Тадқиқот ишида шаклланган амалий йўлланмалар ва таклифлардан гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизими ривожланишининг истиқболларини аниқлаш, башоратини амалга ошириш, унинг ривожланиши стратегияси ва дастурини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация натижаларидан «Маркетинг», «Озиқ-овкат маҳсулотлари маркетинги» фанларини ўқитиш жараёнида ва илмий тадқиқот институтлари фаолиятида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий ғоялари ва натижалари гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг асосий маскани ҳисобланадиган дехқон бозорлари фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган йўлланмаларни ишлаб чиқишида услубий асос

хисобланади. Муаллифнинг тавсиялари гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизими ва ундан фойдаланиш усуслари, маркетинг тизими асосида дехқон бозори шохбачаларини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш механизмлари, дехқон бозорида маркетинг тизимини кўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ва уни янада такомиллаштириш борасида услугбий тавсиялар, дехқон бозорида гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг ривожланиши истиқболлари ва самарадорлик даражасини хисоблаш йўлларини кўрсатиб берди. Ушбу тадбирлардан фойдаланиш Тошкент шаҳридаги дехқон бозорлари худудларида маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш хисобига амалга оширилади ва бозорларнинг ижтимоий – иктиносидий самарадорлиги ортади. Шунингдек, диссертация натижалари Тошкент шаҳар дехқон бозорларида гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдосини 2011-2015 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиша ва маркетинг тизимини такомиллаштиришда кўлланимокда. Буни амалиётга татбиқ этиш натижасида:

1. Дехқон бозорлари томонидан сотиладиган гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархи 7-10 %га камайди. Дехқон бозорига харидорларнинг келиши ва сотиладиган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши кузатилди. Бунинг натижасида бозорнинг даромади бир йилда 26,5 млн. сўмга кўпайди. («Тансикбаев дехқон бозори» ОАЖ бошқаруви, 18 май 2011 йил далолатномаси).

2. Дехқон бозорлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан йўлга кўйиш хамда хўжалик фаолиятида харидорлар учун қулий сервис имкониятларини яратиш жамият микёсида ижтимоий-иктиносидий самарадорликка эришиш имконини беради. Бунинг натижасида бозорга келтириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиб, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо килувчи тадбиркорларнинг даромади ўртacha ҳар ойда 4,6 млн. сўмга кўпайди («Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошқаруви, 12 январь 2012 йил маълумотномаси).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий натижалари «Ўзбекистан иктиносидётига хорижий инвестициялар хамда трансимилий корпорацияларни жалб килиш муаммолари» (ТДИУ, 2009); «Иктиносидётнинг таркибий кисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари» (ТДИУ, 2008); «XXII международные ПЛЕХАНОВСКИЕ ЧТЕНИЯ (Москва, 2009); «Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы» (ТГЭУ, 2009); «Баркамол авлод – илмий тадқиқотнинг интеллектуал бойлиги» (Тошкент, 2010); «Сифат менежменти тизимини яратиш – иктиносидий ўсишнинг ҳал қилувчи омили» (Тошкент, 2011) мавзуларида ўтказилган бошқа илмий-амалий анжуманларда маъруза килинган ва ижобий баҳоланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иктиносидёти университети «Маркетинг» кафедраси мажлисисида ва университет хузуридаги Д.067.06.01 – ракамли Ихтисослашган кенгаш кошидаги 08.00.13 – «Менежмент ва

маркетинг» ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганини. Диссертация материаллари бўйича 12 та илмий иш халқари ва республика нашрларида чол этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Ишнинг таркиби кириш, уч та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ўз таркибига 18 та жадвал, 13 та расмни олган ҳолда жами 150 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистонда бозор инфратузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида иқтисодий механизмлардан янада самарали фойдаланиши объектив заруратидир. Диссертацияда таъкидланганидек, бозор муносабатлари шароитида корхоналар фаолиятининг барча жабҳаларида, жумладан, товар ассортиментини шакллантириш, товар белгиси, ўраш, сервис хизматлари соҳасида маркетинг тизимидан фойдаланиш хўжалик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган реал тизим сифатида намоён бўлади ва бу тизимга кирувчи барча субъектлар харакатлари уйгунилигини таъминлайди. Шу билан бир вактда, бу жараёнга илмий адабиётларда турли қарашлар мавжуд. Хусусан, бу масалага ўз муносабатини билдирган Ф. Котлер, маркетинг тизимини «фирма билан унинг товарлари сотилидиган бозорларни боғлаб турувчи энг мухим бозор муносабатлари ва ахборот оқимларининг мажмуаси»⁵ деб таърифлаши ҳақиқатта яқин бўлсада, унинг баҳсли томонлари ҳам мавжуд. Муаллиф фикрича, ҳозирги кунда бундай таърифлаш маркетинг тизимининг функционал ва ташкилий моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки, ҳар кандай тизим сингари, маркетинг тизими ҳам, маълум бир белги, хусусиятлар, амал қилиш қонуниятларига эга. Маркетинг тизими таркибига, биринчи навбатда: таъминотчилар, ракобатчиilar, воситачилар, истеъмочилар ва фаолиятни таҳлил қилинувчи фирмалар киради.

Муаллиф маркетинг тизими ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларсини билдириб, маркетинг тизими, бу- хўжалик юритишнинг ривожланган бозор тизими билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бошқариш воситаси ҳисобланиб, у бозор конъюнктураси ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб бориш, корхона (фирма) фаолиятининг макро ва микромухитлар таъсирига мослагтириш ва унинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ва бунинг натижасида истеъмолчиларни товар ва хизматларга бўлган талабини тўлароқ кондиришга йўналтирилган восита сифатида намоён бўлади. Диссертация ишида гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва старли даражада бўлиши мамлакат озиқ-овқат ҳаффизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин эгаллаши, уларни истеъмол қилишида физиологик, тарихий, миллий, худудий,

⁵ Котлер Ф. Маркетинг - менеджмент. Экспресс курс. 2-е изд. / Пер с англ. Под. ред. С.Г. Божук.- СПб.: Питер, 2005.- С. 9.

иклим, интеллектуал хусусиятларга асосланган чегараси мавжудлиги ҳақида ҳам фикр билдирилиб, маркетинг тизимидан фойдаланиши назарий-амалий жиҳатдан долзарб муаммоларга айлангани қайд этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган муносабат ахолининг чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун рагбатлантирилиши билан белгиланади. Ба, бу жараёнинг ривожланиши эса гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмолчиларга шарт-шароитларда етказиш имкониятларини юзага келтиради. Ҳозирги пайтда истеъмолчилар гўшт ва гўшт маҳсулотларини харид қилинда энг кўп фойдаланиладиган савдо шоҳобчаларидан қўйидатиларни қайд этиш мумкин: дэҳкан бозорлари, супермаркетлар, минимаркетлар, кичик озиқ-овқат дўконлари, дўконлар, савдо расталари ва шу кабилар. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида барча савдо шаклларининг фаол иштироки кузатилмокда.

Таъкидлаш жоизки, шу даврга қадар мавжуд илмий изланишларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори маркетинг тизими муаммоларига ўз эътиборимизни қаратиб, шуни таъкидлаймизки, савдо маркетинги, у ёки бу ҳудудда амалга ошириладиган савдо-сотик жараёнини йўлга кўйиш, унга жалб қилинган ва қилинадиган субъектлар қизиқишилар билан боғлиқ тарзда ўрганилади. Яъни гўшт маҳсулотлари бозоридаги маркетинг тизими иқтисодиётнинг тақсимот функциясига тегишили бўлиб, сотувчилар ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишдан иборат.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори савдосини қайси маскандა ташкил қилинишидан катъи назар, улар фаолиятида энг мухим жиҳат бозорга ўз маҳсулотлари билан ташриф букурувчилар билан ишлаш ва бозорда ўзининг мақсадига стиш учун амалга ошириладиган маркетинг тизими усусларини аниқлаб олиш бўйича қарорлар қабул қилиш хисобланади. Умуман, маркетинг тизимининг асосий мазмуни, муаллиф фикрича, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тортиб то истеъмолчига етказилишча бўлган ҳаракатлар жамламаси ва ушбу ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади.

Диссертацияда таъкидланганидек, умуман, маркетинг инсоннинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорда сота билиш ва уни истеъмол жараёнидаги хизмат кўрсатишни ташкил қилишга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси, деб қаралиши мақсадга мувофиқидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги замон маркетинг концепцияси бозорда фақат савдони ташкил қилиб қолмасдан, балки бу фаолиятдан анча мураккаб юкори даражадаги моҳиятни англатади, яъни у ижтимоий бошқарини концепцияси бўлиб, унинг ёрдами туфайли якка шахслар ва инсонлар гурӯҳи ўзлари учун зарур бўлган аниқ маҳсулот, хизматларни яратадилар, айирбошлайдилар ва истеъмол қиласидилар. Маркетинг тизимининг шаклланиси ва ривожланиши жуда кўплаб омиллар, тушунчалар таъсирида содир бўлади ва унинг асосий таркибий тузилмаси, бу товар, нарҳ, сотиш канали ва товар ҳаракати бўлиб, уларнинг ҳар бири товар ёки хизматларни ўтказиш, сотиш билан боғлиқ

бўлган жараёнларда фаол иштирок этади ва кўзланган мақсадга етишиши имконини беради.

Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлабоқ, истеъмол товарлари бозорини, шу жумладан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорини ривожлантириши масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Кейинги йилларда босқич амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида бу бозорда жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда.

Биринчидан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида, мулк шаклидан қатъи назар, сотувчилар сифатида иштирок қилувчи хукукий ва жисмоний шахслар таркиби кескин ўзгарди ва бу маҳсулотлар бозоридаги монополияяга барҳам берилди. Ҳозирги даврда гўшт маҳсулотларининг барчаси савдо шохобчаларига турии манбалардан хилма-хил мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари томонидан ракобатчилик тамойилларини хисобга олган ҳолда етказиб берилмоқда.

Иккинчидан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг инфратузилмаси бозор иктисодиёти шароитига яқинлаштирилди. Ҳозирда чакана савдо ташкилотлари аксарияти хусусий ва очик турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида фаолият кўрсатмоқда. Ултуржи савдо ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчилар билан муносабатлар тенг хукукли иктисодий мустақиллик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган.

Учинчидан, гўшт маҳсулотлари бозори давлат бошқарувисиз мустақил равицида тартибга солинадиган тизимга айланмоқда. Агар илгари асосий товарлар давлат фондлари ёки давлатлараро шартномалар асосида келтирилган бўлса, ҳозир истеъмол бозорида асосий ўринни шахсий ташаббус билан фаолият кўрсатувчи савдо корхоналари эгаллаган.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори савдонинг турли шакллари хисобига ривожланиб бормоқда ва унинг товар айланмаси йилдан-йилга юкори суръатлар билан амалга оширилиб, микдор кўрсаткичларида содир бўлаётган ўзгаришлар диккатта сазовордир. 2000 йилнинг бошидан иктисодий ислоҳотларнинг янги қирраси бошланиши билан савдода ҳам жонланиш, ривожланиш жараёнлари содир бўла бошлади. Агар республика бўйича жами чакана товар айланини ҳажми амалдаги нархларда 2003 йилда 4702,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 7835,1 млрд. сўмга этиб, 2009 йилга караганда ўсиш суръати 9,4 %, шу жумладан, давлат савдосида ўсиш суръати 8,4 %, нодавлат савдосида эса 9,8 %ни ташкил этди⁶. Жами чакана савдо айланиниша давлат савдосининг хиссаси камайиб бориши унинг ўсиш суръатига ҳам таъсир кўрсатди.

Мамлакатда амалга оширилаётган иктисодий ислоҳотлар натижаси туфайли, савдода рўй берадиган ўзгаришлар, албатта, жисмоний шахс сифатида иштирок этувчи субъектларнинг фаоллиги негизида янада тез кўзга ташланмоқда. 2002 йилда жами чакана товар айланинишидаги товарларнинг 34 % савдо корхоналари орқали сотилиган бўлса, унинг қолган 64 % буюм,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси материаллари асосида муаллиф хисоб-китоблари.

аралаш ва дехқон бозорлари хиссасига тўғри келиб, амалда хусусий савдонинг хиссаси ҳар йили ортиб бормоқда.

Ахолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига талаб-эҳтиёжни кондиришда савдонинг турли шаклларидан фойдаланиши объектив зарурат бўлиб, ташкил қилинган савдо хиссаси уюшмаган савдо хиссасидан камроқ бўлиб, буни 1-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳрида сотилган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг аксарият қисми «Тошкентсавдо» акциядорлик жамияти орқали эмас, балки дехқон бозорлари орқали амалга оширилар экан. Истеъмол бозорида гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни кондириши бўйича дехқон бозори улуши 73,2 %ни ташкил қиласа, уюшган савдода бу кўрсаткич 26,8 %га тенг экан. Бунинг асосий сабабларидан бирি бу бозор иктисадиётини шаклланиши шароитида дехқон бозоридан ахолининг фойдаланиши даражаси юқори бўлиши билан тавсифланади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ахоли учун зарур бўлган ноз-неъматлардан бири хисобланади. Унинг бозорини ривожланиши, шунингдек, яна умумий овқатланиши шоҳобчалари: ресторон, кафе, бар, ошхона ва шу каби умумий овқатланиши шоҳобчаларидаги тайёрланадиган таомлар учун гўшт маҳсулотларини харид килиш билан ажralиб туради.

1-жадвал

Тошкент шаҳрида турли савдо тармоқлари ва шоҳобчалари орқали сотилган гўшт ва гўшт маҳсулотлари товар айланмаси хиссаси, %

Савдо каналлари ва шоҳобчалари	Йиллар						
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
I. Дехқон бозорлари, шу жумладан:	79,4	79,6	78,4	77,9	75,1	73,2	73,0
Эски жува	29,5	29,4	28,4	26,9	25,3	25,9	25,8
Олой	4,4	4,7	4,3	4,7	4,6	4,9	4,8
Юнус-обод	4,4	4,3	4,1	3,8	4,1	4,0	3,9
Чилонзор	19,2	18,4	19,0	19,7	18,2	16,1	16,1
Кўйлиқ	11,1	12,1	11,8	11,6	11,7	10,9	10,9
Тансикбоев (Кора - камиш)	8,1	8,3	8,7	8,9	8,7	8,9	9,0
Бошқа бозорлар	2,7	2,4	2,1	2,3	2,5	2,5	2,5
II. Супермаркетлар, шу жумладан:	17,2	16,4	17,5	17,2	20,9	22,5	22,6
Гўшт маркази	3,6	3,4	3,6	3,5	4,5	5,4	5,5
Korzinika.uz	4,8	5,7	4,7	4,8	6,9	7,1	7,1
Dipyo	1,2	1,1	1,6	1,5	1,8	2,0	1,9
Светлана	1,1	0,7	0,9	0,7	0,4	0,9	1,0
Бошқалар	6,5	5,5	6,7	6,7	7,3	7,1	7,1
III. Бошқа савдо шоҳобчалари	3,4	4,0	4,1	4,9	4,0	4,3	4,4
Жами	100	100	100	100	100	100	100

Манба: Тошкент шаҳари statistika бошқармаси маълумотлари ва муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан шу нарса мәденим бўлдики, кейинги йилларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмолида, бу маҳсулотлар ўртасидаги нисбатларда кескин ўзгаришлар пайдо бўлмоқда. Яъни, жами истеъмол қилинган гўшт ва гўшт маҳсулотларида гўштнинг хиссаси камайиб гўштдан тайёрланган маҳсулотлар хиссаси ортиб бормоқда. Албатта, бу ҳолат инсонларнинг бу маҳсулотларни истеъмол қилиш жараёнида уй шароитида ёки бошқа ҳолатларда ўзлари гўштдан тайёрлаш мумкин бўлган турли гўшт маҳсулотларини савдо маҳсулотларидан тайёр, яrim тайёр ҳолатига келтириб, қайта ишланган кўринишда харид қилишга интилмоқда. Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг гўшт ва гўшт маҳсулотларини харид қилишдаги ўзгаришлари 2- жадвалда ифодаланган.

2-жадвал
Тошкент шаҳрида истеъмолчилар харид қилган гўшт ва гўшт маҳсулотлари таркибидағи ўзгаришлар (%)

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	Йиллар				
	2006	2007	2008	2009	2010
Маҳсулот турлари	100	100	100	100	100
шундан:					
Гўшт	78	79	75	72	71
Гўшт маҳсулотлари	22	21	25	28	29
шу жумладан:					
қайнатилган колбасалар	6,5	6,5	6,6	6,7	6,9
дудланган колбасалар	7,1	7,1	7,4	8,0	8,4
сосискалар	4,5	4,0	6,6	8,3	8,7
карделькалар	0,9	0,7	0,9	1,0	1,0
қиймали ва ливер колбасалар	1,3	1,0	1,4	1,5	1,5
паштетлар	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
тил, думгаза	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3
бошқа деликатес маҳсулотлари	1,4	1,4	1,7	2,1	2,1

Манба: Муаллиф ишланимлари асосида тузилган.


Жадвал мәденимларидан кўриниб турибдики, 2006-2010 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмолида гўшт маҳсулотларининг, яъни гўштдан тайёрланган турли тайёр, яrim тайёр маҳсулотлар хиссаси ортиб бормоқда. Бу жараён янада ривожланиб, савдо шохобчалари харидорлар учун барча қуалайликларни яратишга ҳаракат килаётганлиги изжобий ҳолдир. Албатта, бу ерда савдо ҳодимлари томонидан маркетинг коммуникациясидан фойдаланишга, биринчи навбатда, дизайн, товарнинг сифати, реклама, рақобатчиларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Ахолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш жараёнларини ўрганишда истеъмолчилар томонидан мазкур маҳсулотларни харид килиш кунлари, оралигини хисобга олиш жуда муҳимдир. Айнан, савдо корхоналари томонидан бу жараённи ўрганишда маркетинг изланишларини ўtkазиш ва унинг натижаларига амал килиш савдо фаолиятини ривожлантириш имкониятларини янада оширади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмолчилар томонидан маълум бир вақтда харид килиш оралигини билиш мақсадида ўtkазилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, улар турли омиллар тасдири натижасида бу маҳсулотларни харид қилишда турли кўрсаткичга эга экан. Сўралгандардан 2010 йилда 6 % бу маҳсулотлар харидини ҳар куни амалга оширган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 5 %га, кундаклик харид қилувчилар бевосита 12 ва 10 %, ҳафтада 2 марта харид қилувчилар 21 ва 20 %, ойда 1-2 марта савдо қилувчилар 4 ва 3 %ни ташкил килар экан.

Бу ерда гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг асосий бўғинларидан бири дехқон бозорлари хисобланади. Мустақиллик йилларида шаҳар ва туман марказларида дехқон бозорлари қайтадан модернизация қилинди, савдо расталари кенгайтирилиб, сотовучи ва ҳаридорларга яхши шароитлар яратилди. Мазкур бозорлар қошида тайёрлов-харид бўғинларининг дехқонлар билан алоқалари замонавий коммуникация тизими орқали янгича ташкил этилишига зарурат туғилди.

Шу билан бир вақтда ҳаридорлардан бирор-бир маҳсулотдан кай бирини дехқон бозоридан кўпроқ харид қилишини билиш мақсадида ўtkazilgan сўров натижалари ҳам шуни кўрсатдики, улар кишишук ҳўжалиги маҳсулотларининг ўргача 80 %дан ортигини дехқон бозоридан харид қилишар экан. Чунончи, гўшт маҳсулотларини харид қилиш 1-расмда келтирилди.



1-расм. «Сиз гўштни қаердан харид қиласиз?» деган саволга жавобларнинг таксимланиши

Манба: муаллиф ишламалари асосида тузилган.

1-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, харидорлар гўшт маҳсулотларининг 70 %ини дехқон бозоридан харид килишиб, бу савдо тармоғидан имкон даражасида яхши фойдаланилмоқда. Бопка товар турлари бўйича ҳам бундан юкори бўлган ҳолат кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётидаги дехқон бозори ривожланishi аҳолининг моддий фаровонлигини оширишида асосий савдо тармоқларидан бирине хисобланади ва кўрсаткичларнинг ўзгариши сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам фойдалилик нуктаи назаридан такомилаштирилиб бориши керак.

Маркетинг тизимининг энг муҳим элементларидан бирине бу талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатлари намоён бўлишидир. Ҳар қандай шароит, вактда иқтисодий конъюнктура, у умумхўжалик ёки алоҳида олинган субъект ёки товар нуктаи назаридан қаралишидан қатни назар, рақобат шароити ва нархлар динамикаси асосида бозорда юзага келадиган талаб ва таклиф нисбатларига боғлиқ бўлади. Бу иқтисодий жараёнларнинг жамламаси «маркетинг» тушунчаси билан уйғуналашиб, у ўзида бозор механизми элементларини гавдалантиради.

Айниқса, гўшт ва гўшт маҳсулотлари учун талаб даражаси, динамикаси ва унинг фаоллиги бозордаги вазиятдан ва ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятидан келиб чиқади. Гўшт ва гўшт маҳсулотларига талаб қатор ўзига хос бўлган хусусиятларга эга бўлиб, бозордаги жараёнлардан келиб чиқади. Бозор эса, айнан шу маҳсулотларга бўлган талабни кондиришда воситачи вазифасини бажаради ва истеъмолчилар учун зарур бўлган таклиф миқдорини белгилаб беради. Айниқса, аҳолининг истеъмоли учун мўлжалланган талаб миқдори чакана савдо тармоқлари орқали амалга оширилиб, гўшт ва гўшт маҳсулотларига натижавий талаб кондирилади. Бу жараён асосан хусусий савдо масканни хисобланган дехқон бозори савдосида содир бўлади ва шу орқали такрор ишлаб чиқариш амалга ошади (3-жадвал).

3-жадвал

Тошкент шаҳар дехқон бозорларида гўшт маҳсулотларининг реал бозор ҳажми ва нархининг динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўтган йилга нисбатан, %					
	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Аҳолининг сарф килиши мумкин бўлган пул даромадлари	171	154	115	125	128	128
Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг нархлари индекси	131	124	121	138	130	126
Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари индекси	129	127	124	132	124	125
Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг реал бозори	115	125	129	125	127	126

Манба: муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, кейинги йилларда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг реал бозори ахолининг сарф килиш мумкин бўлган пул даромадларига монанд равишда шаклланиб, ахолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис кондириб келинмоқда. Бозор иктисодиётiga ўтиш шароитида аҳоли эҳтиёжларини, бозорни чукур ўрганиш, ахолининг истеъмол товарларига бўлган талабларини таъминлаш, тўлов қобилиятига эга талаб ва маҳсулот таклифининг ўсиб борувчи мутаносиблиги ички бозорни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва маркетинг фаолиятини амалга оширишининг асосини ташкил қиласди.

Юқорида қайд қилинганидек, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори алоқалари ва муносабатлари талаб, таклиф ва баҳолар билан тавсифланади. Бозорда юзага келадиган вазиятда унинг микдор ва сифат томонлари бир - бирини тўлдириб, ягона ҳаракаттан тизимни ҳосил қиласди. Бу жараёнда ушбу бозорни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардан бири талабдир. Талаб - тўловга қобил эҳтиёж бўлиб, у маълум бир давр мобайнида баъзи нархларда харидорлар томонидан сотиг олиниши мумкин бўлган маҳсулотлар сифатини белгилайди. Аҳоли талаби ва истеъмоли ўртасида маълум бир фарқ бор. Аҳоли истеъмоли дейилганда, унинг барча манбалардан олган истеъмол товарлари ва хизматлар йигиндиси тушунилади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида такомиллашган бозордаги каби ҳолат мавжуд бўлиб, бу ёрда тенглашган нарх сотувчи ва харидорнинг тенглик асосида амалга ошириладиган савдоси ўрнатилиши туфайли талаб ва таклифининг нисбий мос келиши кузатилмоқда. Шу билан бир вактда, амалиётда, ҳар қандай одди-сотди жараёни якка индивидларга маълум бир даражадаги самара олиш имконияти билан белгиланиб, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг турлари бўйича нархларни оптималлаштириш имкониятларига эътиборни каратиш лозим бўлади.

Бозор иктисодиёти шароитида маркетинг жараёни кўлланилиши, нарх белгиланиши, ракобатнинг кучайиши ресурслар ва капитални қайта тақсимлаш инструментини тўлақонли ҳаракатта келтиради. Бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши шароитида нарх даражаси фақат талаб ва таклиф таъсири натижасида аникланмасдан, балки ўзида у яна бошқа кўплаб, ахолининг тўлов қобилиятидан то жаҳон бозори нархигача бўлган омилларнинг таъсирига боғлиқдир. Чунки, бир индивид учун зарур нарса, иккинчи бир индивид учун кераксиз бўлиши мумкин.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг чакана нархи асосан ишлаб чиқариш харажатлари, қайта ишлари ва иккиласми қайта ишлари, шунингдек, савдо харажатларидан ташкил топган. 2001-2010 йиллар давомида бу маҳсулотлар бўйича чакана нарх таркибида ўзгаришлар содир бўлиши кузатиди (4-жадвал). Бундай ҳолат бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам тегишли бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири, бозор хўжалиги шароитида турли мулк шаклидаги савдо корхоналари ва фирмаларининг кўпайиб бораётганли ва ракобатнинг кучастганлиги билан боғлиқ.

4-жадвал

**Тошкент деҳқон бозорларида гўшт ва гўшт маҳсулотлари
бўйича сотиш нархларини ўзгариш коэффициенти**

Гўшт маҳсулотлари	Йиллар				
	2006	2007	2008	2009	2010
Мол гўшти	0,36	0,38	0,27	0,31	0,29
Қўй гўшти	0,25	0,29	0,25	0,34	0,19
Парранда гўшти	0,26	0,19	0,18	0,16	0,19
Колбаса	0,22	0,17	0,15	0,18	0,16
Сосискалар	0,17	0,13	0,16	0,15	0,12
Сарделькалар	0,20	0,18	0,15	0,19	0,18
Гўшт паштети	0,20	0,22	0,18	0,19	0,17
Тил	0,15	0,19	0,12	0,17	0,18
Думғаза	0,18	0,17	0,11	0,19	0,21
Бошқа деликатес маҳсулотлари	0,14	0,16	0,14	0,15	0,19

Манба: муаллиф ишламаларин асосида тузилган.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, агар 2006 йилда гўшт маҳсулотларидан мол гўшти чакана нархнинг ўзгариши коэффициенти 0,36 га тенг бўлса, 2010 йилга келиб унинг коэффициенти 0,29 га тенг бўлади. Бу шундан далолат берадики, мол гўштининг нарх ўзгариши бошқа маҳсулотларга нисбатан ўта сезуливчандир. Ҳозирги кунда гўшт маҳсулотларини барқарор чакана нарх асосида сотиш жараёнлари йўлга кўйилмоқда. Шунингдек, бошқа маҳсулот турлари бўйича ҳам содир бўлаётган ўзгаришларни қайд этиш мумкин.

Гўшт маҳсулотлари бозорида нархлар даражаси жуда кўп омиллар таъсирида шаклланиб, бозорнинг тури, сотиладиган товарлар тури, талаб ва таклиф, рақобатчилик, давлат сиёсати ва бошқалар асосий роль ўйнайди. Гўшт маҳсулотларига нарх-наво шаклланишида максимал сотувни асослаш, энг юкори даражадаги фойда кўриш ва мавжуд ҳолат билан хисоблашиш ҳал килувчи аҳамиятга эгадир.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол бозори ривожланишини таъминланада стратегик режалаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг мазмуни ўзгараётган, янгиланадаётган бозор муносабатлари шароитида истеъмол бозори маҳсадлари билан имкониятлари ўргасидаги тенгликни ишлаб чиқиш ва кўллаб-куватлашдан иборат. Бу бозор учун хос бўлган стратегик режалаштиришининг маҳсади, унинг ривожланиши ва хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлган истиқболли йўналишларни аниқлашдан иборат. Шу маҳсадда диссертацияда истеъмол бозори ҳажмини маълум муддатлар учун аниқлашга эътибор берилиб, у истеъмол имкониятларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Хозирги замон маркетинг тизими, умуман, маркетингнинг ривожланиши кўп ҳолларда товарлар маркетинги ўзаро ҳаракатининг тармок модели ва ҳамкорлик муносабатларининг маркетинг концепциясини юзага келиши билан тавсифланади. Бундай жараённинг содир бўлиши маркетинг хакидаги тасаввурлар, фикр-мулоҳазалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, Ф.Котлернинг фикрига кўра, субъектлар томонидан ҳар бир ҳаражатлар учун олиниши лозим бўлган фойда тушунчаси ўрнига, уларнинг ҳамкорлидаги ўзаро алоқалари туфайли олинадиган фойдани ошириш тушунчаси⁷ муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу шу нарса билан изохланадики, гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдосининг дехкон бозорида йўлга кўйилиши ҳар бир сотувчини алоҳида иштирокчи сифатида катнашиши ва улар истеъмолчилар билан ҳар кунги ўзаро ҳаракати туфайли узок муддатли муносабатда бўладилар, бозорда ҳамкорлик ва ўзаро манбаатлар уйғулиги юзага келади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришда дехкон бозори фаолияти иктисодий самарадорлигини баҳолаш усулидаги асосий боскич бу маҳсулотни сотиш айланмаси ва савдони ташкил килиш хисобига олинадиган даромад ҳисобланади. Диссертация ишида, муаллиф, дехкон бозори худудида сотиладиган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг чакана товар айланмасини истиқболдаги прогнозини аниқлашда куйидаги алгоритм кўрсаткичларидан фойдаланишини тавсия этади:

$$G = \sum_i^n (Q \times H) \times K_{\text{ж.с}} \times K_{\text{нарх ўсии}} \times K_{\text{зл.}}$$

Бу ерда:

G – маълум йилдаги товар айланмаси ҳажмини прогноз кўрсаткичи;

Q – гўшт маҳсулотлари микдори;

H – гўшт маҳсулотлари нархи;


$K_{\text{ж.с}}$ – дехкон бозори орқали харидорларни гўшт маҳсулотларига бўлган талабини кондириш даражасининг ракобатли аҳамиятта эга бўлган интеграл кўрсаткичдан ортиб кетиши коэффициенти;

$K_{\text{нарх ўс.}}$ – гўшт маҳсулотларига нархнинг ўсипи коэффициенти;

$K_{\text{зл.}}$ – нархлар ва даромадларга боғлиқ бўлган эластиклик коэффициентлари.

Муаллиф диссертацияда, юкоридаги алгоритм кўрсаткичлари асосида 2011-2015 йилларда Тошкент шаҳар дехкон бозорларида сотиладиган гўшт маҳсулотларининг бозор ҳажмини 2-вариантда прогноз қилган (2-расм).

⁷ Котлер Ф. Маркетинг - менеджмент. -- СПб.: Питер, 2001. -С. 209.



**2-расм. 2011-2015 йилларда Тошкент шахар дехқон бозорларида
сотиладиган гўшт маҳсулотлари прогнози**

Гўшт маҳсулотлари турлари бўйича истиқболли прогноз маркетинг тизимидан фойдаланиш хисобига амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ, дехқон бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ахоли турмуш фаровонлигига бевосита таъсир этиб, бу бозорни хозирги замон талаблари асосида ташкил этиш учун интилиш - асосий вазифалардан бири эканлиги тадқиқот ишида қайд қилинган.

Демак, Тошкент шахрида гўшт ва гўшт маҳсулотларнинг бозор сигими 2015 йилда 135290 тоннани ёки 2011 йил нархларида 2299 млрд.сўмни ташкил этади, яъни ахолининг даромадлари ошишига монанд равишда ривожланади. Бу ерда башпоратнинг ўртacha хатолиги 2,6 %ни ташкил этади. Прогноз маълумотлари шундан далолат берадики, сотиладиган гўшт маҳсулотларининг истиқболли кўрсаткичлари ушбу мажмуага кирган савдо шохобчаларининг ривожланишида яхлит уйғунликка эришилган ҳолда барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин.

2010-2015 йилларда Тошкент шахари гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида сотиладиган гўшт маҳсулотларининг асосий турлари бўйича ўсиш суръати юкори даражада бўлиб, ахоли талаб - эҳтиёжини кондиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мол гўшти 2012 йилга бориб, 2008 йилга нисбатан 1,45; кўй гўшти 1,4; парранда 1,5; гўшт маҳсулотлари 1,46 мартаға кўпайиши куттилмокда.

Шунинг учун ҳар бир субъект гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори савдосида ўз ўрнини тўтри белгиласа мўлжалини қанчалик аниқ олса, чукур ва батағсил ўрганса, у ўз фаолиятини шунчалик аниқ ва асосланган даражада ташкил этиши, иқтисодий самараға эришиш имкониятига эга бўлиши, мазкур бозор субъектининг муваффакияти гаровидир.

ХУЛОСА

Бозор муносабатлари шароитида гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорини шакланиши и маркетинг тизимини ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараённи янада такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чикилди:

1. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар ўз фаолиятларини жадаллаштириб, бу соҳани янада ривожлантириш ва мавқеини кўтариш имкониятларига эга. Айниқса, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтинослашган корхоналар салоҳиятини бозор муносабатлари талаблари асосида юксалтириш зарур. Бунинг асосий сабаби шундаки, бозор муносабатлари шароитида савдо, бозор категориялари, уларнинг моҳияти янада кучайиши сезилади. Айниқса, озик-овқат маҳсулотлари бозори Ўзбекистон иқтисодиётида катта салоҳиятга эга бўлиб, унинг ривожланиши учун етарли ресурслар ва имкониятлар мавжуд.

2. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини ташкил этиш ва маркетинг хизматини юритиш, тартибга солиш ва уни назорат килишида, жумладан, Тошкент шаҳар «Савдо ва хизмат соҳалари департаменти» томонидан амалга оширилаётган, қабул қилинаётган қарорларнинг стратегик характери ва бошқариш механизмининг ҳамма элементлари уйғунлиги таъминланиши лозим. Бунинг учун дехқон бозорларидағи савдо-харид бўғинлари ишини замонавий коммуникация тизими асосида қайта ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар билан доимий шартномавий алоқалар ўрнатиш, олдиндан буюртмалар бериш, нарх-наволарни келишиши ишларини йўлга кўйиш лозим.

3. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотилиш жараённида нарх-навонинг шаклланиши талаб ва таклиф нисбатларини хисобга олган ҳолда амалга оширилиши туфайли, бозорда нарх-наво мавсумий тебранишга эга бўлиб, унинг даражаси ўзгариши ойларда эмас, ҳатто, бир кунда бир-нечча марта содир бўлиши мумкин. Дехқон бозорига хос бўлган бу хусусият маркетинг фаолиятини қўллашни янада ривожлантиришни тақозо этади.

4. Бозорда талаб, таклиф ва нархлар ўртасидаги боғлиқлик эҳтиёжлар асосида юзага келган талабнинг мавжудлиги ва сотувчилар томонидан таклифнинг шакллантирилиши натижасида тенглик нуктаси пайдо бўлади ва бу нарх-навонинг шаклланиши учун ўлчов мезони хисобланади.

5. Маркетинг фаолияти асосида ишлаб чиқилган сегментларни умумлаштириш ва танлашни амалга ошириш, истеъмолчилар билан бевосита муносабатда бўлиш ва тижорат имкониятларидан тўла фойдаланиш максадида маҳсулотларнинг сотилишини маҳсус савдо корхоналари зиммасига юклаш ва зарур хизматлар кўрсатишни уюштириш керак бўлади.

6. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари чакана савдосида ракобат мухитини янада кенгайтириш, истеъмолчилар хукуқлари химоясини кучайтириш, янгидан-янги иш услубларининг жаҳон тажрибасини ўргангандек ҳолда жорий

этиш лозим. Чакана ва улгуржи савдо шоҳобчаларини модернизация қилиш ва курилиш лойиҳаларини амалга ошириш талаб этилади.

7. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори истиқболини олдиндан режалаштириш учун чакана савдо ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш натижалари билан барча савдо субъектларини мунтазам таъминлаб туриш тизимини яратиш зарур. Бунинг учун шаҳар ҳокимилиги иқтисодиёт бўлими қошида «Маркетинг тадқиқотлари маркази»ни ташкил этиши ва унга деҳқон бозори ҳолатини аниқлаш, баҳолаш ва камида 3-5 йиллик истиқболини белгилаб туриш вазифаси топширилиши керак.

8. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимининг мазмуни сотувчиларга ва харидорларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитини яратиб бериш, нарх-навони харидорлар талабига мое келадиган ҳолда шаклланишига эришиш орқали юкори маданиятли савдо ва хизматлар сервис тизимини яратиш.

9. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг истиқболлари йўналишни босқичма-босқич амалга ошириш орқали хизматлар бўлими фаoliyatiни ташкилий жиҳатдан юкори даражага кўтариш.

10.Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорини ривожлантириш ва такомиллаштиришда айниқса, бу борада деҳқон бозорлари савдосини замон талаблари асосида ташкил этиш ва маркетинг стратегияларини амалга ошириш лозим. Шу билан бир вактда, умумий маркетинг стратегияси ёки товарлар ва истеъмолчилар бўйича табақаланган маркетинг стратегияси ҳар бир сегмент хусусиятларига мувофикаштирилиб, маҳсус хусусий стратегиялар шаклига келтирилиши талаб этилади.

Демак, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, маркетинг тизимини кўллаш жараёни ва уни янада такомиллаштириш жуда кўплаб омиллар таъсирида шаклланиб, Тошкент шаҳри деҳқон бозорларида сотилаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдоси асосида эришилган илмий ва амалий натижалар, улардан олинган хулоса ва таклифлар чакана савдонинг ривожланиши учун муҳим йўналиш хисобланади ва бу жараён мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим вазифалардан бири хисобланади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Кутбиддинова М.И. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолияти тадқиқоти ва уни амалга ошириш // «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солик тизимини такомиллаштириш масалалари» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Т.: Тошкент Солик академияси, 2008. – Б. 377-379.
2. Кутбиддинова М.И. Маркетинг внешней торговли // «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлугини таъминлашда божхона механизмини такомиллаштириш масалалари» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 81-82.
3. Кутбиддинова М.И. Маркетинг стратегиясини шакллантириш ва уни амалда кўллаш // «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солик тизимини такомиллаштириш масалалари» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 388-390.
4. Кутбиддинова М.И. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги ва унинг моҳияти // «Мамлакат солик сиёсатини янада эркинлаштириш – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 220-222.
5. Кутбиддинова М.И. Ҳозирги замон маркетинг гоясининг шаклланиши жараёнлари хусусида // «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни барқарор ўсиши ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлашда солик сиёсатининг ўрни» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Тошкент, 2009. – Б.190-193.
6. Кутбиддинова М.И. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда озиқ-овкат маҳсулотлари бозори маркетинг фаолиятидан фойдаланиш // «Иқтисодиётни модернизациялашда солик сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор ўйналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солик механизмининг ўрни» республика илмий-амалий анжуманинг маъруза тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 221-223.
7. Кутбиддинова М.И. Ҳозирги замон маркетинг гоясининг шаклланиши жараёнлари хусусида // «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни барқарор ўсиши ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлашда солик сиёсатининг ўрни» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 190-193.
8. Кутбиддинова М.И. Корхоналарнинг маркетинг тизими асосидаги фаолияти. // «Иқтисодиёт ва таълим». – Тошкент, 2009. 4-сон. – Б. 85-88.
9. Кутбиддинова М.И. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ва маркетинги. //«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». –Тошкент, 2010. 3-сон, – Б.31.

10.Кутбитдинова М.И. Особенности маркетинга потребительских товаров в условиях стратегического развития // Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения ее конкурентоспособности. Сборник научных трудов – М.: МГЭИ, 2010. – С. 78-79.

11.Иватов И., Хакимов У., Кутбитдинова М. Иқтисодий ривожланиш жараёнларида маркетинг ва уни бошқариш // «Сифат менежменти тизимини яратиш – иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омили» республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – Б. 38-40.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талаббор Кутбидинова Моҳигул Йиностовнанинг 08.00.11-«Маркетинг» ихтисослиги бўйича «Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини ривожлантириш истиқболлари» мавзуудаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: маркетинг, маркетинг тизими, маркетинг стратегияси, маркетинг концепцияси, истеъмол товарлари бозори, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, чакана савдо, дехқон бозори, талаб ва таклиф, нарх-наво, режалаштириш, бозор ҳажми.

Тадқиқот обьекти: Тошкент шаҳридаги гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдоси билан шугульнувчи хўжалик субъектлари, хусусан, дехқон бозорлари ҳисобланади.

Ишининг мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини ривожлантиришнинг назарий ва услубий жиҳатларини асослаш ҳамда савдо самарадорлигини оширишга каратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик гурухлап, таққослаш, сегментлаш, ракобатдаги устунлик даражасини аниклаш, башоратлаш ва бошқа усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетингни бошқаришни такомиллаштириш ва савдо ривожини рагбатлантиришнинг илмий-услубий жиҳатлари умумлаштирилган; дехқон бозорида гўшт ва гўшт маҳсулотларини сотиш ҳамда истеъмолининг таркиби баҳоланган ва савдода истеъмолчилар сегментлари талабларини ҳисобга олиш тамойиллари асосланган; дехқон бозорларида гўшт ва гўшт маҳсулотларининг реал истеъмол ҳажмининг шаклланиши омиллари аникланган ва маркетинг тизимидан фойдаланишнинг асосий ўйналишлари таклиф қилинган; гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида рақобатни ривожлантириш ўйлари ҳамда ишлаб чиқарувчи ва савдо ҳамкорлигини бошқариш тамойиллари асослаб берилган; ахолининг гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишнинг физиологик меъёrlарини ҳисобга оловчи гўшт бозори ҳажмини аниклаш ва уни истиқболда ўзгаришини прогноз қилиш услугини таклиф этилган ва дехқон бозори инфратузилмаси ривожланишини такомиллаштириш бўйича аник тадбирлар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: дехқон бозорида гўшт ва гўшт маҳсулотлари маркетинги тизимини янада такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ҳамда гўшт маҳсулотлари савдосини ривожланиш истиқболлари ва самарадорлигини ошириш ўйларидан Тошкент шаҳридаги «Гансикбаев дехқон бозори» ОАЖ бошқарувида ва бозорнинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини оширишида фойдаланилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари, ишлаб чиқилган хулоса ва тақлифлар сотиладиган гўшт маҳсулотлари нархини 7-10 %га камайишига имкон берди. Дехқон бозорига харидорларнинг келиши ва сотиладиган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши кузатилди. Бунинг натижасида бозорнинг даромади бир йилда 26,5 млн. сўмга ошиди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорларнинг даромади ўртача ҳар ойда 4,6 млн. сўмга кўпайди (Маълумотнома “Тошбозортайёрловсавдо” уюшмаси бошқаруви 12 январь 2012 йил).

Кўлланиш соҳаси: истеъмол товарлари бозори субъектларида, дехқон бозорларида, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ўкув жараёнларида фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Кутбитдиновой Мохигул Иноятовны на тему: «Перспективы развития системы маркетинга на рынке мяса и мясопродуктов» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.11 – «Маркетинг»

Ключевые слова: маркетинг, система маркетинга, стратегия маркетинга, концепция маркетинга, рынок потребительских товаров, рынок сельскохозяйственной продукции, розничная торговля, дехканский рынок, спрос и предложение, цена, планирование, емкость рынка.

Объекты исследования: хозяйствующие субъекты, занимающиеся реализацией мяса и мясопродуктов в г. Ташкенте, в частности дехканские рынки.

Цель исследования: обосновать теоретические и методологические аспекты развития маркетинговой системы на рынке мяса и мясопродуктов в условиях либерализации экономики, а также разработать предложения и рекомендации по повышению эффективности торговли.

Методы исследования: системный анализ, экономико-статистическая группировка, сравнение, сегментирование, определение уровня преимущества в конкуренции, прогнозирование и другие методы.

Полученные результаты и их новизна: обобщены научно-методологические аспекты совершенствования маркетингового управления на рынке мяса и мясопродуктов и стимулирования развития торговли; проведена оценка продажи и структуры потребления мяса и мясопродуктов на дехканском рынке и обоснованы принципы, учитывающие потребительские сегменты в торговле; определены факторы формирования реального потребительского объема мяса и мясопродуктов на дехканском рынке, предложены основные направления использования в нем маркетинговой системы; показаны пути развития конкуренции на рынке мяса и мясопродуктов, а также обоснованы принципы управления взаимодействия производства и торговли; предложены и испытаны методы определения объемов, учитывающие физиологические нормы потребления населением мясопродуктов и прогнозирование изменения в перспективе и разработаны конкретные предложения по совершенствованию развития инфраструктуры дехканских рынков.

Практическая значимость: методические рекомендации по совершенствованию маркетинговой системы мяса и мясопродуктов на дехканском рынке, а также перспективы развития торговли мясопродуктами и пути повышения её эффективности, применяемые при управлении дехканским рынком «Гансикбаев дехкан бозори» ОАЖ бошқаруви города Ташкента будут способствовать повышению социально-экономической эффективности рынка.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования, разработанные заключение и рекомендации приведут к снижению розничных цен на мясопродукты на 7-10%. Наблюдалось увеличение притока покупателей на дехканском рынке и объем реализуемой продукции. В результате этого доход рынка увеличился на 26,5 млн. сум. Доходы предпринимателей, реализующие мяса и мясопродуктов на дехканском увеличился в среднем в месяц на 4,6 млн. сум

Область применения: субъекты рынка потребительских товаров, на дехканских рынках, в учебном процессе системы высшего и среднего специального образования.

R E S U M E

Thesis of Kutbitdinova Mokhigul Inoyatovna on a theme: «**Prospects of development of system of marketing in the market of meat and meat products**» on competition of a scientific degree of a candidate of economic sciences on speciality 08.00.11 - «Marketing»

Key words: Marketing, marketing system, marketing strategy, marketing concept, market of consumer goods, market of agricultural products, retail trade, dekhkan market, supply and demand, price, planning and market capacity.

Subjects of inquiry: the economic subjects who are engaged in realization of meat and meat products in Tashkent, in particular dekhkan markets.

Aim of inquiry: to prove theoretical and methodological aspects of development of marketing system in the market of meat and meat products in conditions of economic liberalisation, and also to develop proposals and recommendations on increase of efficiency of trade.

Methods of Inquiry: system analysis, economic-statistical grouping, comparison, segmentation, definition of level of advantage in competition, forecasting and other methods.

The results achieved and their novelty: scientifically-methodological aspects of perfection of marketing management in the market of meat and meat products and stimulation of development of trade have been generalised; estimation of sale and structure of consumption of meat and meat products on dekhkan market has been made and the principles considering the consumer segments in trade have been proved; factors of creation of real consumer volume of meat and meat products on dekhkan market have been defined, the basic directions of use of marketing system in it have been proposed; the ways of development of competition in the market of meat and meat products have been illustrated, and also principles of management of interaction of manufacture and trade have been grounded; methods of definition of volumes, considering physiological norms of consumption by population of meat products and change forecasting in the long term have been proposed and tested and specific proposals on development of infrastructure of dekhkan markets have been worked out.

Practical value: Methodical recommendations on perfection of marketing system of meat and meat products on dekhkan market, and also prospects of development of trade in meat products and ways of increase of the efficiency, applied on dekhkan market, the Open joint stock company' Board "Tansikbaev dekhkan market" of Tashkent city will promote increase of social and economic efficiency of the market.

Degree of embed and economic effectivity: results of the research, developed conclusion and recommendations will result in decrease in retail prices on meat products on 7-10 %. The increase in inflow of buyers on dekhkan market and volume of realized product has been observed. As a result of its the market income has increased by UZS 26.5 million (act of introduction, the Open joint stock company' Board "Tansikbaev dekhkan market", January 12, 2012).

Sphere of usage: subjects of market of consumer goods, dekhkan markets, in educational process of the higher and secondary specialized education system.

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишига рухсат этилди	10.03..2012 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	484

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон шоҳ
кўчаси, 49-уй